

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OЛИЙ MAЖЛИСИ VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI BAZИPAPAP MAҚAMACИНИНГ GAZETACИ

31 июль, пайшанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 159 (1676)

ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА

«Қорақалпоғистон» нашриёти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Янги тафаккур - замон талаби» деб номланган китобини қорақалпоқ тилида босмадан чиқарди.

Ундан мамлакатимиз раҳбарининг куни кеча бўлиб ўтган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи ўрин олган.

(ЎЗА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ DAВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида» 1997 йил 8 июлдаги Фармонга мувофиқ, шунингдек, республика божхона органларини ташкил этиш бўйича ишларни амалга ошириш бўйича улар зиммасига юклаган вазифаларнинг тежорлик билан ва самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси марказий аппарати тузилмаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар Давлат божхона қўмитаси бошқармалари аппаратининг, ихтисослаштирилган божхона комплексларининг, божхона комплекслари ва постларининг намунавий тузилмаси тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тизими ходимларининг (хизмат кўрсатувчи ва ёрдамчи ходимлардан ташқари) чекланган сонини 3277 нафар, шу жумладан, Қўмита марказий аппарати ходимлари сонини 188 нафар этиб белгилансин. Давлат божхона қўмитаси раисига тўрт нафар ўринбосарга, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосарга ҳамда 9 кишидан иборат хайъатга эга бўлишга рухсат этилсин.

Давлат божхона қўмитаси раисига зарурат бўлганда Қўмита марказий аппаратининг ҳамда тасарруфидоги божхона органларининг тасдиқланган тузилмаларига белгиланган чекланган ходимлар сонини ва иш ҳақи фонди доирасида узгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилансинки, Давлат божхона қўмитаси раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан, унинг ўринбосарлари ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар Давлат божхона қўмитаси бошқармаларининг бошлиқлари, шунингдек, ихтисослаштирилган божхона комплекслари бошлиқлари Давлат божхона қўмитаси раисининг тақдимномасига кўра Вазирлар Маҳкамаси қарорини тайинланадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

5. Белгилансинки, Давлат божхона қўмитасини маблаг билан таъминлаш республика бюджетини маблаглари ҳисобидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги республика бюджетини тузишда Давлат божхона қўмитасининг жорий таъминлаш ва унинг моддий техника базасини мустақамлаш учун зарур маблағларнинг ҳар йили ажратилишини назарда тутиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг тузилган божхона Бош бошқармаси бошлиқлар таркибининг

мансабдор шахсларида улар эга бўлишган махсус ва шахсий унвонлар сақлаб қолинсин, уларнинг 1994 йил 18 январдан 1997 йил 8 июлгача божхона органларида ишлаган вақти ички ишлар ходимларига таъбиқан узоқ вақт ишлаганлик учун устамалар, пенсия тайинлашда хизмат стажига қўшилсин.

Белгилансинки, божхона органлари мансабдор шахсларининг ва улар оила аъзоларининг пенсия таъминоти ички ишлар органларида хизматни ўтаган шахслар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун амалдаги қонунчилик билан белгиланган шартларда ва нормалар бўйича амалга оширилади.

7. Божхона органларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва ижтимоий дастурларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида Давлат солиқ қўмитаси божхона Бош бошқармасининг моддий ёрдам ва божхона органларини ривожлантириш махсус жамғармаси негизда моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя қилиш, божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси тузилсин.

Белгилансинки, кўрсатиб ўтилган махсус жамғарма божхона қўмитасининг бузганлик учун мусолага қилинган предметири сопишдан олдин сумманинг 20 фоизи, божхона қўмитасининг бузганлик учун ушрилиган жарималар суммасининг 15 фоизи, шунингдек, божхона йиғимлари ва хизматлар кўрсатилган учун тўловлар тартибда режалдан ташқари даромадлардан тушумларнинг 100 фоизи ҳисобига шаклланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя қилиш, божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармасини ташкил этиш ҳамда унда фаоллаштириш тўғрисидаги Низомни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 1998-2000 йилларда божхона назоратини янада такомиллаштириш ва божхона органларининг моддий-техника базасини ривожлантириш Дастурини ишлаб чиқсин ва 1997 йил 1 декабрда Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ақлия вазирлиги билан биргаликда божхона органларида хизматни ўташ

тўғрисидаги Низомни икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Марказий банки сўровларига кўра божхона статистикаси бўйича ҳисобот маълумотларини тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги иллик инвестиция дастурларини тузишда уларга Давлат божхона қўмитаси объектларини қуриш, кенгайтириш ва реконструкция қилишни киритишни назарда тутишлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат божхона қўмитаси шахсий таркибига ва уларнинг оила аъзоларига тиббий хизмат кўрсатишнинг амалдаги тартибни сақлаб қолсин.

11. Божхона органлари учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг касб савиясини ошириш бўйича ишларни яхшилаш, шунингдек, божхона расмийлаштиришлари бўйича мухтаassisларни ўқитиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси божхона Бош бошқармасининг вилоятларга ўқув маркази Давлат божхона қўмитаси ходимларининг умумий сони доирасида шатлаштириш ҳамда қўмитаси раисининг қўрсатиш ва ёрдамчи ходимлардан ташқари 20 нафар бўлган Давлат божхона қўмитаси ўқув марказига айлантирилсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Давлат божхона қўмитаси фуқаролик марказини янада яхшилаш мақсадини икки ой муддатда ҳал қилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий ҳафсизлик хизмати 1997 йилдан бошлаб Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳамда Миллий ҳафсизлик хизмати Институтини базасида божхона органларининг тежор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи мансабдор шахсларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича махсус курслар ташкил қилинлар.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1994 йил 4 мартдаги қарорининг божхона органлари фаолиятини ташкил этишга тааллуқли қисми ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

14. Маъмур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини ў. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

Тошкент шаҳри,
1997 йил 30 июль


И. КАРИМОВ



Мустақиллик йилларида Жиззах вилоятида халқ ҳўжасининг бошқа тармоқлари билан бир қаторда ениқ саноат корхоналарини ҳам ишлаб чиқариш қувватини ошириб, махсус турларини кўпайтириб бормоқдалар. Бозор иқтисодиёти талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб иш юритаётган бу жамоаларда махсус сифатига алоҳида аҳамият берилаяпти.

СУРАТЛАРДА: Жиззах пайпоқ тўқичи фабрикасининг илгор ишчиси Дилсора Охунова (чапда) иш пайтида. Даштобод шаҳридаги «Умаржон НК» ҳусусий корхонасида эса тўқимачилик чикиндиларидан нотўқима матолар ишлаб чиқариш йўлига қўйилган. Ундаги суратда ушбу корхона ишчиси Энақиз Исмадиёрова ва чех бошлиғи Тожибой Фозиловни кўриб турибсиз.

Т. КАРИМОВ
олган суратлар.



• ҚАРОР ВА ШАРҲ

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ ...

Республикамиз раҳбарияти 1997 йилни -- Инсон манфаатлари йили деб эълон қилиб, бугун фаолиятини инсон ва унинг манфаати учун изчил йўналтириб келмоқда. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Озиқ-овқат махсусотларининг айрим турларини сотишни тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қабул қилган Қарорини бунинг яна бир ёқини далилидир.

Биз бозор иқтисоди қонунларидаги ўтилатган бир тарихий шароитда яшаётимиз. Табиийки, бу ўта мураккаб бир жараён бўлиб, ютуқлар билан бир қаторда кўпгина муаммолар ҳам юзага калқиб чиқмоқда. Жумладан, юқоридаги қарорда айтилганидек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимликлари, «Ўзбексавдо» давлат акционерлик уюшмаси, «Ўзбекбирлашув», солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан назоратнинг сувайтирилганлиги натижасида жисмоний ва юридик шахслар озиқ-овқат махсусотларини мувофиқлик ва сифат сертификатлари бўлмаган ҳолда, белгиланмаган жойларда ва жиҳозланмаган савдо нуқталарида, амалдаги санитария нормалари ва савдо қонунларида риоя этмасдан сотиши фактлари ҳамон учраб турибди. Автотранспорт, кўча-кўйларда, дархоналар бекатларида, гўндал кўнчилизи, олдий санитария талабларига ҳам жавоб бермайдиган шароитларда, қўлаверса, махсусотларнинг сақланиши ва озиқ-овқат таркибининг си-

фатли бўлишига ҳеч бир эътибор бермай сотаётган одамлар пайдо бўлмоқда. Бундай муаммоларни ҳал қилишда, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, савдо-сотикнинг зарур санитария шартларига риоя этилишини таъминлаш, аҳоли соғлиғига зарар етказиш ҳолатларини олдини олиш, шунингдек, озиқ-овқат махсусотларини савдосини ташкил этишда тегишли тартиб ўрнатилиш нуқтаси назардан ҳуқуқматимизнинг юқоридоги қарорини гўнот муҳим аҳамиятга моликдир. Қарорда белгиланганидек, шу йилнинг 1 августидан бошлаб ун, қанд-шакар, ўсимлик ёни ва сариёғ, қуруқ сўт ва болалар оққатини чакана ва майда, улғуржи тартибда сотиш фақат ва фақат турғун савдо корхоналари томонидан амалга оширилади. Уларнинг олдида эса, дўконларда озиқ-овқат товарларининг мувофиқлик ҳамда сифат сертификатлари, тайёрланган санаси ва яроқлилик муддатларини ҳамда нархномаларини олди назарига кўринарли қилиб қўйиш, товарларни сақлаш ва сотиш учун санитария шарт-шароитларини юзага келтириш каби барча савдо қонунларида риоя этилиши

муҳим вазифалар сифатида қўйилди. Қарорда яна бир муҳим нуқта бор. Маълумки, озиқ-овқат махсусотлари бозорда нарх-навоини белгилашда ҳозирги бозор иқтисоди шароитида айрим ўзбoшчимчалар ва монополизмга берилиш ҳолатлари кўзга ташланиб турибди. Қарорда белгиланганидек, бундан кейин озиқ-овқат махсусотларини сотиш чоғида савдо корхоналари ва ташкилотлари учун 20 фоизгача миқдорда рентабеллигининг энг юқори даражаси бўйича чеклашлар жорий этилади. Бундай талаб, шак-шубҳасиз, озиқ-овқат махсусотлари нархининг барқарорлиғига эришишда ва уларнинг истеъмолчиларнинг тўлов қобилияти даражасида бўлишини таъминлашда муҳим роль ўйнайдди. Қарорда кўрсатилган бу шартлар озиқ-овқат билан савдо қўлувчилар томонидан бажарилиши уларнинг олдида қатъий талаблар даражасида қўйилганини алоҳида таъкидлашимиз керак. Мабодо қарордаги бу шартлар бузилса, уларга риоя этилмаса, сотувчиларга нисбатан қатъий маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилади. Яъни, масалан,

озиқ-овқат махсусотлари турғун савдо нуқталаридан ташқарида сотилса, ёки амалдаги савдо қонунлари бузилса -- савдо тўхталади, айбдор шахсларга нисбатан ҳатто уларнинг махсусотларини олиб қўйиш, мусодалар қилиш даражасида маъмурий жазо чоралари қўйилади. Мусодалар қилинган махсусотлар эса, тегишли суд органларининг қарорлари асосида 10 кун муддатда баҳоланиб, махсус дўконлар орқали сотишга юборилади.

Табиийки, қарорда белгиланган бундай аниқ ва қатъийлик чора-тадбирлар озиқ-овқат махсусотларини савдосини бозорда бундан кейин жиддий тартиб-интизом ўрнатилишига олиб келади.

Ушлас, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Озиқ-овқат махсусотларининг айрим турларини сотишни тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорини Инсон манфаатлари йилининг энг муҳим расмий ҳужжатларидан бири бўлиб, у моҳият-эътибори билан ўтиш даври шароити синовларидан халқимизни ижтимоий муҳофаза қилиш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ва фаровонлигини ошириш мақсадларини кўзлайди.

М. САФАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



ҚОЧОҚЛАР ВАТАНИГА ҚАЙТИШАДИ

ЛУСАКА Конго Демократик Республикаси (КДР) ва Танзания ҳўкумат раҳбарлари Танзаниядаги 90 миң нафар қонгонлик қочоқни ўз ватанига қайтаришга келишиб олди. Айни пайтда КДР ҳўкумати ўз фуқароларини қабул қилиб олиш учун зарур чора-тадбирларни кўрмоқда.

Маълумки, ўтган йили Конгонинг ўттири президент Лоран-Дезире Кабила бошчилигидаги қўғолончилар билан аввалги президент Сесе Сесо ҳўкумати қўғолончилар уртасидаги тўқнашувлар натижасида қонгонлик қочоқлар бошпана қилириб Танзанияга келган эди.

ХИТОННИНГ «ОЙНА ЖАҲОНИ»

ПЕКИН. Хитой 2000 йилга қадар ранги телерадио ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Режага кўра шу йилларда, мамлакатда ранги телерадио ишлаб чиқариш сўғатини ошириш, яъни йиллик тайёр махсусот сонини 33 миллионга етказиш кўзда тутилган. Бу телерадиоларнинг 8 миллиони тўғридан-тўғри хорижий мамлакатларга сотилади.

Мухтаassisларнинг таъкидлашича, 2000 йилга бориб, дунё бўйича ранги телерадио бўлган умумий талаб йилга 140 миллионга етиши эътиборга олинади. Бу эса, ишлаб чиқарилаётган барча телерадиоларнинг 20 фоиздан кўпроғи ХХР ҳиссасига тўғри келади, демакдир.

ЯНГИ ҲЎКУМАТ ТУЗИЛАДИ

ТИРАНА. Албанияда Бош вазир Фатос Нано томонидан мамлакатнинг янги ҳўкумати тузилади.

Албания матбуотининг эътиборига, дастлабки паллада янги ҳўкуматнинг асосий диққат-эътибори иқтисодийни тиклаш, мамлакатда ижтимоий тартибни мустақамлаш ва ҳўкумат органлари фаолиятини яхшилашга қаратилди. Шунингдек, давлатга қарашли корхоналарни ҳусусийлаштириш жараёни ҳам фаолаштирилади.



ДУНЁ ДАРАҚЛАРИ

ОЛИМНИНГ ҲИММАТИ

Қуватнинг «Ал-Бабин» номли жамғармаси МДХ мамлакатларидаги шарқшунос олимларнинг илмий тадқиқотларини рағбатлантириш мақсадида ҳар икки йилда бир марта халқаро мукофот учун конкурс ўтказди.

Ушбу жамғарма 1996-1997 йиллар учун Имом ал-Бухорий номли халқаро мукофотни таъсис этган эди. Маъмур конкурсда Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия ва Озарбойжондан 22 нафар шарқшунос олим иштирок этди.

Имом ал-Бухорий номли халқаро мукофот учун ўтказилган конкурсда Тошкент давлат шарқшунослик институтини ректори, филология фанлари доктори, профессор, ЎзФА мухбир аъзоси Нейматилла Иброҳимов ҳам қатнашди. Ойини 1995 йили Байрут шаҳрида чоп этилган «Араб халқ ойлари» номли асари учун маъмур конкурснинг биринчи мукофотига сазовор бўлди.

«Ал-Бабин» жамғармаси конкурс гўлбига мукофот сифатида 15 миң АҚШ долларини тақдим этди. Н. Иброҳимов бу маблагни Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ёшларнинг чет элда таълим олишларини кўзлаб-қуватлаш «Умид» жамғармаси ҳисобига ўтказди.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ MAРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ



ларнинг уртасигача битта пахта барги ва тўрт маротаба такрорланувчи пахта чанокларидан иборат нақш жойлаштирилган.

Тангаларнинг орқа томони (реверси)да Ўзбекистон Республикасининг Герби тасвирланган бўлиб, унинг атрофида тангаларнинг

ташқи чети бўйлаб юқори қисмида бир хил ўлчамдаги 12 та юлдуча уйилган ва доиранинг пастки қисмида бир хил ўлчамдаги босма ҳарфлар билан «ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ» матни ўйиб ёзилган.

Тангаларнинг олди ва орқа томони четки ва танга айланаси бўйлаб танга айлана-

бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг муомалага чиқарилаётган, қиймати 1,5,10 сўмга тенг бўлган тангалари мулкчилик шакли ва фаолият соҳасидан қатъий назар, ҳамма корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан тўловларнинг барча турлари учун, шунингдек, банк муассасалари томонидан ҳисоб рақамлари, қўғилмаларга, аккредитивларга киритиш учун ҳамда алоҳа корхоналари томонидан ўтказмаларни амалга ошириш учун танганига ёзиб қўйилган қиймати бўйича ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт.

АМАЛИЙ ЁНДАШУВ

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ЮКСАЛСА...

Ҳуқуқий давлатда қонуннинг устуворлиги ўз-ўзидан амалга ошмайди. Қонунни кенг ҳалқ оmmasига тушутирмасдан, моxиятини ҳар бир фуқароннинг онига сингирмасдан туриб, унинг устуворлигига эришиб бўлмайди. Бу улкан ишни қайси йўллар ва воситалар билан амалга ошириш мумкин?

Қонунга нисбатан эътиборсизлик ва лоқайдлик ўрнига эътиқод туғиларини шакллантириш лозим бўлади. Бизнинг фикримизча энг мураккаб иш бу инсонларнинг дунёқараши, шу жумладан, ҳуқуққа, давлатга бўлган муносабатларини ўзгартиришдир.

Президентимиз Ислам Каримов шу йил 20 май кунин республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарларини, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда ана шу масала — ҳалқимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оқсатириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, қонун ва қонун ижросини таъминлашга қаратилган таълим-тўғри ҳужжатлар моxиятини аҳоли кенг қатламларига янада чуқурроқ етказиш ҳақида тўхталиб биз, ҳуқуқшунослар олдидан турган вазифаларни белгилаб берди. Ана шу тарихий учрашувда баён этилган тақдирлар ва мулохазалар асосида эса, шу йил 26 июнда Президентнинг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, ҳуқуқий маданият даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишлари яхшилаш ҳақида»ги Фармони, шу Фармон асосида Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳуқуқий маърифат тарбиюти марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Тошкент давлат юридик институти бундан бундан бундан республикамиз учун малакали юрист кадрлар тайёрлаш билан бирга, ҳуқуқий маърифат тарбиюти маркази ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш мақсадида амалга оширилади. Бу вазифанинг ижтимоий-информацион асосини янада яхшилаш бўлиб қолди.

Тошкент давлат юридик институти бундан бундан бундан республикамиз учун малакали юрист кадрлар тайёрлаш билан бирга, ҳуқуқий маърифат тарбиюти маркази ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш мақсадида амалга оширилади. Бу вазифанинг ижтимоий-информацион асосини янада яхшилаш бўлиб қолди.

Марказнинг асосий вазифалари нималардан иборат? Мамлакатда ҳуқуқий таълим фаолиятини қўйиштириш ва уни услубий жиҳатдан таъминлаш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларини тарбиюти қилиш, аҳоли турмуш иқтисодий гуруҳларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий турларини таъбиюти қилиш бўлиб қолди.

Марказнинг асосий вазифалари нималардан иборат? Мамлакатда ҳуқуқий таълим фаолиятини қўйиштириш ва уни услубий жиҳатдан таъминлаш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларини тарбиюти қилиш, аҳоли турмуш иқтисодий гуруҳларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий турларини таъбиюти қилиш бўлиб қолди.

Қарорда мазкур масала билан боғлиқ оммавий, маърифий, тарбиюти, ташкилий ишларнинг Ўзбекистон Теле-радиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари томонидан кенг қўламда ериштириш мумкин эканлиги белгилаб қўйилган. Дарҳақиқат, одамларнинг онига бевосита ва тез суръатларда ҳуқуқий билимларни етказишда радио ва телевиденининг роли беғубебдир.

Марказнинг минтақавий бўлиmlарини ташкил этиш ва уларни замонавий асбоб-ускуналар, техник воситалар билан жиҳозлаш ишларини амалга оширишда бевосита вилоятлар ҳокимликлари иштирок этишлари. Ҳуқуқий маърифат тарбиюти марказининг жамоатчилик асосидаги бўлиmlарини ташкил қилиш эса Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига топширилган.

Қарорда Марказ ишлари ташкил этиш ва уни амалга оширишга бу қадар жиддий эътибор берилганлиги таъбиюти, албатта. Чунки биз жамиятнинг қўйидан то юқори поғоналаригача ҳуқуқий билимларни ўқитиш ва ўргатиш масалаларини бугунги кун талаби даражасида қўймасак, келажақда қўзланган мақсадга эришиб мумкин эмас.

Ҳалқ оmmasи орасида ҳуқуқий билимларни кенг тарбиюти қилиш учун биринчи навбатда тарбиютичилар ва оммани ҳуқуқий адабиётлар билан таъминлаш талаб этилади. Қарорда бу масалага ҳам алоҳида эътибор берилган.

Биринчидан, Марказ ҳузурида илмий-оммабоп ҳуқуқий адабиётларни чиқариш бўйича идораларар республика мувофиқлаштирувчи услубий кенгаш тузилади. Бу кенгашга республикадаги таниқли ҳуқуқшунос олимлар ва ҳуқуқий адабиётлар ёзиш ва чоп этишда таърибага эга бўлган мухассаслар аъзо бўлиб кирдилади. Мазкур кенгаш ҳуқуқий адабиётларни илмий-оммабоп адабиётлар мақомига кўтариш ҳуқуқи ҳам берилади. Назаримизда, кенгашнинг тузилиши бугунги кунда тароққ ҳолатда ҳуқуқий адабиётларни, хусусан, илмий-оммабоп адабиётларни нашр этишни марказлаштиришни тарбиюти келтиришга ёрдам беради.

Марказ Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, мамлакатимиз Президенти Фармонлари ва фармойишлари, Олий Мажлис сессиялари ҳужжатлари ва статистик тўпламлари билан таъминланади. Бундан ташқари, Марказни Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси босма асарлар ва китоблар билан таъминлайди.

Оммабоп ҳуқуқий адабиётларни нашр этишни қўйиштириш ва уларни аҳолига арзон нархларда сотишни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси «Адолат» нашриёти моддий-техникавий неғизини мустаҳкамлашга яқиндан ёрдамлашади. Бу борада амалга оширилган ишлардан бири шуки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Давлат матбуот қўмитаси, «Китоб савдоси» давлат ҳисдорлик уюмаси, «Матбуот тарғибат уюмаси» акционерлик жамияти билан биргаликда ҳуқуқий-илмий-оммабоп адабиётлар, дарсликлар ва ўқув қўланмаларини аҳолига 50 фоиз арзонлаштирилган нархларда сотиш тартибларини ишлаб чиқиш топширилди.

Ҳуқуқий маърифат тарбиюти марказининг ўзи нима? Маълумки, Шарқда, хусусан, бизнинг қадимий Ўзбекистонда давлат ва ҳуқуқ масалалари доимо маърифат билан бирга ўрганилган ҳамда ўқитилган. Биз фақат қонунларнинг айрим моддаларини тўғрисида гапирсак-да, унинг тарбиюти, ахлоқий томонлари ҳақида ўқувчига тушунар беришмас, у ҳолда ҳуқуқий тарбиюти бир томонлама, чекланган бўлиб қолади. Ҳуқуқий маърифат билан боғлиқ ҳолда ўқитиш, тушунтириш ниятда аҳолига ўқитиш. Ўрта асрларда бизда бутун бир ҳуқуқ мактаби тарбиюти топган. Шу туфайли бу еттиша заминдан дунёга машҳур ҳуқуқшунослар етишиб чиққанлар. Масалан, Бухоролик Марғилонийнинг қўп жиддий қонунлар мажмуасидан иборат «Ал-Ҳидо» асарлари арзон даражада ҳуқуқшунослар учун асосий қўланма вазифасини бажариб келди.

Қонунчиликка эътибор Амир Темур ва теурирлар даврида, айниқса юксалди. Соҳибқирон бобоимизнинг фармойишлари, тузуқлари ва шу замонда ёзилган «Зафарнома»лар биз учун битмас-тўғмас ҳуқуқий манба бўлиб хизмат қилади. Бундай улкан ҳуқуқий-маънавий меросдан ҳалқимиз баҳраманд бўлиши керак. Бугун Ўзбекистонда мустақил ҳуқуқий демократик давлатнинг қонунлар тизими вужудга келди ва у кун сайин такомиллаштириб, ривожланимоқда. Унинг илдизлари юқорида қайд этилган кадрларнинг муваффиқлигида мустаҳкам тушиб кетганлиги рост бўлсин.

Ҳалимбой БОБОВ, Тошкент давлат юридик институти ректори, Олий Мажлис депутаты.

Довонга кўтарилганимизда, кўёш чўққилар ортидан бир кўз қирини ташлагандай бўлди-да, яна қирлар орқасига яширинди. Бизнинг «Дамас» гўё уни қидириб топмоқчи бўлгандай, ўйдим-чўққиларда гоҳ ҳаққалаб, гоҳ андак йўргалаб, яна секинлаб, пасту баландлардан ҳатлаб, чўққига ўрмаларди. Баногоҳ боя қоялар орқасига яширинган кўёш пана жойдан бир мўралаб, қайта қурилайтган йўлдан қай аллозда боришимизни ўғринча қузатаётгандай яна кўринмай қолди. «Дамас» эса унинг нигоҳига интилишда давом этди. Бироздан сўнг бамисоли тоғ устида томоша қовоқ тургандай бўлиб кўринди-да, яна яширинди. Кейин яна кўриниш бериб, атрофга зар сочиб юборди. Сехрли нурдан атроф ранго-ранг товланиб, гўё ёнбағирликларга беҳисоб гулли дўхоба тўшаб қўйилгандай бўлди.

Йўлнинг энг чўққиси — денгиз сатҳидан 2268 метр баландликда ҳайбатли бир «қора паровоз» жарга қўлаётгандай кўринди. Юрагимни ҳовуқлаб, паста қарадим. Уч-тўрт терак бўйи пастагадир жарликка гўё қора уйллар думалаб тушарди. Бир... икки... уч... Кейин харсанг тошлар, шағалду қор қўққилари...

Шу кўчининг «гуноҳқори», боя узоқдан «қора паровоз» бўлиб кўринган жойга яқинлашдик. У паровоз эмас, қандайдир бизга нотаниш йўл қуриш машинаси эди. Қалтис жой, нозик ва хавфли жараёнда қизгин иш борапти. Бу антиқа агрегат бош томонидан пўлат тишлари билан ботмон-ботмон харсангларни узиб олиб, гарамлаяпти ва орқасидан пўлат қурақлари ёрдамида гарамни жарга сураяпти...

Шошиб турганимиз боис йўлимизда давом этдик. Аммо мен унинг ишларини кўролмай, паҳлавон агрегатни бошқараётган одам билан гаплашолмай армонда эдим. Хайриятки бу орузимни фарғоналик дўстларим ушлатирилди. Вилоят ҳокимлигининг гуруҳ раҳбари Абдулхалил Раҳимов бизнинг паҳлавон агрегатимиз — тоғ комбайни-ни бошқариди. Лақаби «Ботмон-полвон», деди.

«Штаб» деган бостирма остида учрашув ҳангомалари бошланиб кетди. Вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази бошлиғи Тойиржон Абдураимов ваъз айди. Шоирлар шеърликни қилдилар, ҳофизлар хоник эдилдилар, раққослар рақсга тушилдилар, қизкичлар аскияси кўтарган қаҳқаҳа жилғалар аша баланд чўққиларда ҳам антраб турди. Мен эса, қаҳрамоним ёнига шовилдим, у билан бўлагимиз сўхбатим ҳар нарасадан ҳам қизқарди ва мароқли эди.

Нихот, «қора паровоз» олдида бордик. АҚШдан сотиб олинган бирдан-бир ҳайбатли, қабулват тоғ комбайни «Катерпиллер» шовкин-сиронисиз ҳаракат қилиб, кучанмай, чиранмай олд тишлари билан ботмон-ботмон тоғ жинсларини пастга сурмоқда. Бундай курашнинг бошқариш учун пўлат ирода, зарбадест билан, шердай юрак керак.

Абдулхалил «Катерпиллер»ни тўхтаптиб,

— Бўлади, — деди қурувчилар бошлиғи. — Жуда боғини танладингиз. Унинг бригадари шу ерда. Мана, ўзи билан гаплашсангиз. — Маҳмуджон Эшонқулов,

паста тушди. Кўриниши девлай, бўйи-бастию қомаги паҳлавонларни эслатади. Юртинчи ҳам бўлакча — спортчилардай қаҳқон ва зарбли. Қўришдик. «Ботмон-полвон» деганларича бор экан. — Келинг, меҳмон! — деди у энгил табассум билан. «Хорман» бор бўлганда кейин Абдулхалил билан шағал устига ўтирдик. — Бу еринг стол-студию асарла-тўшаги ҳам шу, — деди у ҳазилолими шағала ишора қилиб. — Бепул жиҳозга бой экансиз, — дедим мен ҳам унинг ҳазилолига яраша табассум билан. — Э, бу жиҳознинг тағи мўл, кунига миғ-миғ ботмонлаб ўтирсак, поёнига етолмаймиз. — Ботмон деганимиз сизларда қанақа ўлчов, пудми, центнерми? — дейман қизкич.

— Тоғ қазувчиларнинг тонна-тонналари шунақа баракали бўлиб, уни «ботмон», дейишар экан. Бизнинг «кубометр» билан бўйлаша керак. «Шундай баҳайбат агрегатни бошқариш оғир эмасми?» деган саволимизга, Абдулхалил мийғида қулиб қўйди-да, «Довондаги қайси меҳнат энгил бўлгани», — деди. Ҳақиқатан ҳам, бу йўл мустақил ўзбек давлатининг ойирини энгил, узогини яқин қилиш аҳтини ҳар бир қурувчи яхши билади ва

онгли зарурат тисмосидан беминнат хизмат қилади. Ана шу онгли зарурат аскарларидан бири Абдулхалил Раҳимов. У Буйвайда туманидаги Хурсанбоқ қишлоғидан келиб, ўз бульдозеридан тоғ текислаётганига ҳам ўз йўл бўлай деб қолди. Тоғда тошларга бош қўйиб ухласа ҳамки, бульдозеридан узоклашгани йўқ... — Утган вақт ичида неча ботмон тош-тўпроқ иши бажаридингиз? — Кубометричи ҳисобчилар ҳам алашиб кетяпти. Мендан «Неча терак бўйи тоғни талқон қилиб, неча қаққирим жарин йўл қилдинг?» деб суранг.

Абдулатифнинг уч ўғил, бир қизи бор экан, ҳаммаси ҳам «ота боласи бўлиб ўсаётган» эмиш. Айниқса, «Тўғричи» Зухриддин 9-синфни битирибок ота касбининг эғалламоқчи эмиш. «Ота ўғли бўламан» деб ўзини ҳоёрлаётганини Абдулатиф қувониб гапирди. Зухриддинни у ўз касбига ўргатар ва уни ҳам «Катерпиллерга миндириб, «Тошкент-Уш-Хитой» халқаро йўли биттунча ўз ёнида ишлатар эмиш.

Абдулатифлар бунёд этаётган ва унинг ўғли Зухриддинлар давом эттирадиган йўл — Буюк Ипак йўли ҳадемай яшариб, янада гўзаллашади ва давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қила бошлайди. Замонавий халқаро қатнов Осиё ва Оврпоу халқлари тақдирини туташтирувчи бебаҳо омилига айланади. Хозирча бу йўлнинг биринчи босқини битмоқда. Шу йил қузгача у халқаро мезонда инқироби тоғфали мақомга эга бўлади ва йўловчи ташйилди қатнов катта айлочуларнинг ҳам қатнови бошланади...

Резак туннели — тепалан тоғнинг «Қора кўзёнаги» бўлиб кўринган туннел қурилишига бордим. Ун метр кенликка, саккиз метр баландликда бунёд қилинаётган ероти йўлини гарбдан Қозғоғистон, шарқдан Қирғизистон туннелчилари қазиб, тиргақлаб, бетонламоқдалар. Ўта мураккаб тоғ шароитида бу юмуш нинга билан қудуқ қазилган ҳам қийин кечмоқда. Қазувчилар гоҳ бўшлиққа, гоҳ харсанг тош-метинга, гоҳда буюк қўзига учраб, баъзан ботмонлаб йўл, тўпроқ оласлар, баъзан тош-метинни тирноқлаб қўчирилдилар.

Биз Фарғонадан Тошкентга қайтишда яна довондан юрдик. Борниша чўққиларда юрган «Қора паровоз» ўз терак бўйи мақомида пастга гимирламоқда эди. Ишлари юришиб кетган шекали, пастаги тоғнинг «Қора кўзёнаги» ҳам ичкарига чуқурлаб кетгандай кўринди. Туннелчиларнинг баҳодирона ишига барака тилаб, «Қора паровоз» экилажига омад ёр бўлсин, дедик-да, эшитса-эшитмас, «Ботмон-полвон» Абдулхалил Раҳимовга қўл қимирлатиб: — Олинг, олдирманг, ишлаб чарчаманг, сизга Оллоҳ маладор бўлсин! — дедик.

«Катерпиллер»нинг иши, деб билавиринг. Фарғоналик қурувчилар Резак туннели йўлини янги йўналишга ҳоёрлаб, равон қилиб бериш мақсадида тўртта 80 метрик қувур ётқиздилар. 54 нафар экскаваторчи, бульдозерчи, скреперчи бажарган тош-тўпроқни ташига қирқ машина кифоя эди. Абдулатифнинг «Катерпиллер» иш бошлагач, унинг уяганини бу машиналар ташиб ўгулуролмади, яна етмиш юк автомобилли сафарбар қилинди. Чунки унинг бир ўзи ўттиз бульдозернинг ишини бажариши. Абдулатиф ишлаб чарчамайдиган йигит эмасми, ҳар махикада ботмонлаб, соат-сабин гарам-гарам гоҳ яратиб, техникани шошириб қўяпти. — Полвонлар аллоҳдан экансиз, курашга ҳам тушиб турасизми? — Фақат ака-укаларгина ўзаро беллашамиз. — Негат? — Қишлоқда бизга тарафдор йўқ. Оғир вазилларимиз-

БУВАЙДАСИК «БОТМОНПОЛВОН»



Иброҳим РАҲИМ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси


ПАХТА ОЧИЛДИ

Дехқончилигимиз тарихида илк бор июль ойида Андижон вилояти далаларида пахта очилди

Бу чигитни плёнка остига экиш самарасидир. Избоёкан туманидаги «Урганж», «Янги ҳаёт» жамоа ҳўжаликлари, «Поитут» ширкатлар уюмаси, Олтинқўл туманидаги Сайфиддин Ашуров номи, Баликчи туманидаги «Чинобо», Хайрихон Эргашева номидаги, Асака туманининг Бобур номи, «Ўзбекистон мустақиллиги», «Шарқ ҳақиқати», «Ўзбекистон» жамоа ҳўжаликлари миришқорлари ана шу усулни омилқорлик

билан қўллаб, июль ойи учинчи ўн кунлиги бошлариданоқ чоноқларнинг қийғос очилишига эришти. Ваҳоликан, илгарилари шу даврда эндигина «Хосил тўпаш икки ойлиги» эълон қилинар эди. Шу кунларда вилонингнинг барча пахтакор ҳўжаликларида гўзани оби-тобида суторши, қатор ораларини бегона ўтлардан тозалаш, чеканкани сифатли ўтқазин, зарарқунанда ҳашаротларга қарши кураш-

ни қўйиштириш ишлари авж олдирилмоқда. Айна пайтда пахта ийгим-теримига пухта ҳоёрлик қўрилмақда. К. НИЗОМОВ, (ЎЗА) мухбири.



ЖИЗЗА

Ҳўжаликлар Ёрдамга Отланди

Дўстлик туманидаги марказий шифохона ва табобатхона биноси пуртудан кетиб, жиҳозлари эскириб қолган эди. Туман ҳокимлигининг ташаббуси билан бу ердаги барча корхона, табиюти ва ҳўжаликлар оммалий ёрдамга отланди. Қисқа вақт ичида 8 миллион сўмлик тазмирлаш ишлари бажарилиди. Шифохона янги типий ускуналар билан жиҳозланди.

НАВОИЙ ШУБОТ МАЪҚУЛ Бўлди

Конимех туманидаги тувчилик ва йилқичликка ихтисослашган «Моданият» жамоа ҳўжалигида тўя сутидан тайёрланган шубот қизилқум фосфорит комбинати қурувчиларига гоят манзур бўлди. Саноятчиларга ҳар кун икки юз литрга яқин шундай чанқовбосди ичимлик етказиб берилаётган. Шифобахш шубот Заррафшон қончиларига ҳам жўнатила бошлади.

А. ЮСУПОВ, «Бизнес-фонд» бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутаты.

ТАДБИРКОРГА МАДАДКОР

Республикада хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, мустақил давлатининг иқтисодига қўмақ беришга бел бўлган янги қорхоналарнинг тезолаб бўлишига молиявий мадад бериш мақсадида иқтисодий ислохотларнинг дастлабки йилларида «Бизнес-фонд» ташкил этилган эди. Бирок бундан қўзланган манзил узоқлигича қолаверди. Қисқаси, бу фонддан тадбиркор етарли мадад топмади. Йўл қўйилган ҳато ва камчиликлар таҳлил қилиниб, бундан икки йил муқаллам фонд қайтадан тузилды.

Мамлакатимиз тадбиркорларига молиявий ёрдам қўрсатиш, иқтисодиётимизда тўб ижобий ўзгаришлар қилиш, ишлаб чиқаришни риважлантириш, айниқса, қишлоқ инфратузилмасини шакллантириш, хизмат қўрсатиш соҳаларининг янги тармоқларини вужудга келтириш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш йўлида бу фонд муайян ютуқларга эришмоқда.

Утган давр боёбинда «Бизнес-фонд» томонидан хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида тақдим этилган 2458 та лойиҳа учун 3034 млн. сўмлик имтиёз кредитлар ажратилди. Натихада 16 миңдан зиёд янги ишчи ўринлари яратилди ва қўрсатилган имтиёзлар ҳисобидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 3 млрд. сўмга яқинлашди.

Муҳими шундаки, ушбу кредитларнинг 191 млн. сўми фонднинг мустақил маблағлари ҳисобланади. Булар асосан сотилган акция, қўрсатилган хизматлар ҳақида муддатига қайтарилган қарзлар ҳисобидан бўлиб, улар тадбиркорларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга қайта йўнатилди.

Шу билан бирга, «Бизнес-фонд» марказий маҳамаси ва унинг худудий бўлиmlарида ажратилган кредитлар ва уларга белгиланган устима фоизларнинг ўз муддатига қайтариллигини таъминлаш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилгани туфайли қайтарилган кредит маблағларининг сўммаси 136,6 млн. сўмин, қайтариллиши керак бўлган кредитлар эса 56,3 фоизини ташкил қилди. (Бу кўрсаткич 1996 йилнинг 1 июлида 13 фоиз бўлган эди). Айна қадар ҳозирга қадар вилоятлар тадбиркорлари томонидан тақдим этилган 3617 та лойиҳадан 2458 таси молияландирилди. Қолган 1159 та лойиҳа таъаб даражасида тайёрланмагачлиги сабабли тадбиркорларга қайтарилди.

Мамлук бир муддат ўтган, бу лойиҳалардан 575 таси тадбиркорлар томонидан қайта таҳлил қилиниб, мавжуд ҳато ва камчиликлар бартараф этилгандан кейин имтиёз кредит учун бошқатдан тақдим этилди. Ҳозирги кунда улар мухтаассислар томонидан молиялаштиришга тайёрланмоқда. Қолган 584 таси эса жойларда инвестиция лойиҳаларини ташлаш, сарфлаш ва ўрганиб чиқиш, уларни баҳолашнинг султубий сабабли, таъбиюти эштиша нолойиқ деб топилди.

Қайта таҳлил топган фонднинг ишлари бундан-да кенгроқ қўламда олиб боришига жўзый сабаблар ҳам таъбир эди, албатта. Негаки, биз Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 30 июлдаги 380-қарорига асосан фаолият олиб борган аввалги жамғаримнинг 2 млн. 400 миғ сўмлик зарарини қоплаш ҳамда бу жамғара томонидан республика бўйича 193 та лойиҳага берилган 245,8 млн. сўмлик 100-150 фоизлик қисқа муддатли кредитларнинг қайтариллигини таъминлаш маъсулиятини ўз зиммамизга олган ҳолда иш бошлаган эдик.

Фонд бошқаруви ва унинг худудий бўлиmlари томонидан мудлати ўтган қарзларни қайтартиш бўйича бор имкониятлар ишга солинишига қарамай, ҳозирги кунда мудлати ўтган қарзларнинг қолдиқ қиймати 131 млн. сўмин ташкил этмоқда. Бу эса икки имкониятларимизга таъбир қўрсатиб, тадбиркорларга ажратилиши керак бўлган қўламга имтиёзли маблағларини ишга солиш имкониятини берибётган. Бундай ҳолатларга бутунлай барҳам бериш мақсадида «Бизнес-фонд», «Мадад» суурта агентлиги ҳамда «Тадбиркорбанк» ҳодимлари иштирокчи ажратилган имтиёзли кредитларнинг мақсадли ишлатилишини назорат қилиш борасида 1997 йилдан утган 6 ойида 1417 мартаба мониторинг ўтказилди ва аниқланган камчиликлар юзасидан тадбирлар белгирилди. Натиха-

да, «Бизнес-фонд» қайта ташкил этилганига қадар тадбиркорлар мудлати келган қарзларни тўла қайтарди.

Жамғаримнинг асосий мақсади — ҳақиқий ишбилармон тадбиркорларни қўллаб-қувватлашдир. Шу боис маълум лойиҳа асосида иш олиб бориб, ажратилган кредит маблағдан тўғри фойдаланган тадбиркорларга катта имтиёзлар яратиб бериляпти. Масалан, бошқарув қарори асосида 15 та тадбиркорга рағбат сифатида берилган кредит шартномасининг мудлати 1 йилдан 3 йилга узайтирилди.

Аммо ўз манфаатларини ҳамма нарасадан устун қўйиб, бойлик ортиришга муқассадан кетган «тадбиркорлар» ҳам учраб турибди. Улар «Оларда қирар жоним, берадла чиқар жоним» қабиллида иш қўримоқдалар. Қашқадарье вилоятининг «Ўзалик» фирмаси 6 млн. сўм, А. Ясавий фирмаси 5,6 млн. сўм, Наманган вилоятининг «Набиёва» ва «Меҳмон» хусусий қорхоналари 8 млн. сўмдан, Самарқанд вилоятининг «Азиз ЛТД» хусусий қорхонаси 9 млн. сўм, Сирдарё вилоятининг «Ситор» хусусий қорхонаси 7 млн. сўм, Сурхондарё вилоятининг «Ғолиб» хусусий қорхонаси 5,6 млн. сўм, Тошкент вилоятининг «Набиёв» хусусий фирмаси 9,6 млн. сўм, Фарғона вилоятининг «Мақсад» ва «Хумор» хусусий қорхоналарининг ҳар бири 10 млн. сўмдан, Тошкент шаҳрининг «Музаффар» ва «Лайло» хусусий қорхоналари

Table with 12 columns: No, Vayotlar, Qo'shimcha ma'lumotlar, Fermer xujaliklarining rivojlanishini, Kurvani, kurvanni materiallarni, Ma'halay sanovat, Xizmat kursatish sohasi, Turizm, Jamii. It contains data for various regions and companies.

Table with 12 columns: No, Vayotlar, Qo'shimcha ma'lumotlar, Fermer xujaliklarining rivojlanishini, Kurvani, kurvanni materiallarni, Ma'halay sanovat, Xizmat kursatish sohasi, Turizm, Jamii. It contains data for various regions and companies.

• СУГУРТА ХИЗМАТИ

ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар чуқурлашгани сайин турли мулк шакллари юзага келаяпти. Хиссадорлик жамиятлари, жамоа корхоналари, кичик ва хусусий корхоналар, деҳқон (фермер) хўжаликлари бугун биз учун янгилик эмас. Шу билан бирга, уларни моли-ялаштириш, қўллаб-қувватлаш, сугурталаш бўйича ҳам қатор хизмат турлари фаолият юрита бошлади.

иктисодиётни ривожлантириш, янгидан шаклланаётган мулкдорлар син-фига ҳар томонлама кўмак беришда бу идораларнинг алоҳида ўрни бор. «Ўзагросугурта» давлат акциядорлик компанияси ҳам шундай ташкилотлар сирасига киради. Мухбиримиз мазкур компания кишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликлари мол-мулкни сугурталаш бошқармаси бошлиғи Раҳмат ХИКМАТОВ билан суҳбатлашди.

— Бозор ўз қонуниятлари асосида ривожланади, — дейди у. — Бинобарин, турли мулк шакллари юзага келаяпти. Хиссадорлик жамиятлари, жамоа корхоналари, кичик ва хусусий корхоналар, деҳқон (фермер) хўжаликлари бугун биз учун янгилик эмас. Шу билан бирга, уларни моли-ялаштириш, қўллаб-қувватлаш, сугурталаш бўйича ҳам қатор хизмат турлари фаолият юрита бошлади.

рий равишда сугурта қилинар, пировардида эса хўжаликлар унинг балалини тўлай олмас эди. Бу сума эса давлат бюджетни ҳисобидан қопланади.

Энди кишлоқ хўжалик корхоналарининг мулки ва экинлари учун мажбурий сугурта бекор қилиниб, ихтиёрий равишда сугурта қилиш белгилаб қўйилди. Энг муҳими, кишлоқ хўжалик корхоналари ўз мулкларини гаровга қўйган, компаниямизнинг кафолатини олганларидан сўнггина уларга тижорат банклари томонидан кредит берилди. Мазкур жараён эса олинган маблағнинг банкларга ўз вақтида қайтарилишини таъминлабгина қолмасдан, деҳқонларни сифатли маҳсулот етиштиришга бўлган масъулиятини оширади.

Президентимизнинг шу йил 25 февралдаги Фармони мувофиқ, шунингдек, «Ўзагросугурта» компанияси беш йил муддатга даромад солиғидан озод қилинади. Бу маблағнинг эса сугурта фондига йўналтирилиши, компаниямиз томонидан вақтинча бўш маблағни инвестиция мақсадларида ишлатишдан келадиган даромад ҳам молиявий барқарорлигимизни таъминлаши шубҳасиз.

— Ҳозирги кунда ихтиёрий сугурта шартномалари-

ни тузиш жараёни қандай кечапти?

— Бу борада ҳали мақтанишга эрта. Негакки ҳа-нузгача боқимандалик «ка-сали»дан қўтула олмаган ай-рим хўжалик раҳбарлари биз билан ихтиёрий шартнома-лар тузиш аҳамиятини тўлиқ англаб етмаёттилар. Саба-би аниқ: «Бу йил табиий офат бўлмади, мол-мулк-миз зарар кўрмайди», дей-ишади. Ваҳоланки, ҳар бир раҳбар ўз хўжалигининг истикболини ўйлаб, сугурта-вий йўл билан ҳимоя қилишни амалга ошириши лозим.

— Зарар кўрган мижозлар-га тўланадиган маблағ қайси ҳисобдан олинади?

— Компаниямизда сугур-таланган мол-мулк зарари-га тўлаш учун сугурта ба-далларидан бошқа манба йўқ. Биз бу тушумлардан ви-лоятлараро захира жамгар-маси ташкил қилганмиз. Бу ерда йиғилган маблағ кўпроқ зарар кўрган вилоятларга тўлов сифатида йўналтири-лади. Бошқача айтганда, сугурта ташкилотлари ми-жозларга улар тўлаган сугур-та бадалларига нисбатан бир неча баробар кўп тавон тўлайди. Шу боис мижозла-римизга айтадиган гапимиз шу: биз билан ихтиёрий шартнома тузсангиз, асло ютқазмайси!

Фурқат САНАЕВ суҳбатлашди.



ФОТОНИГОҲ

АСКАР СОҒЛИГИ — ЮРТ ОМОНЛИГИ

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари бошқармаси тасарруфидаги 80 ўринли мўъжазгина шифо маскани мустақиллигимизнинг биринчи йилида ташкил этилган. Утган давр мобайнида ҳарбий лазарет замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, малакали мутахассислар ва зарур техника билан таъминланди.

Ҳарбий лазарет шифокорлари Ватан олдидаги бурчини адо этаётган аскарларни чуқур тиббий кўриқдан ўтказиш, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, ички қўшинлар шахсий таркиби ўртасида профилактик тадбирларни кенг йўлга қўйиш билан шугулланадилар. Бу ерда аскар-беморларни да-волашда дори-дармонлардан ташқари физиотерапевтик омил-лардан кенг фойдаланилади. Шифо масканининг Абдураҳмон

Исамуҳаммедов, Азиз Алимов, Қодиржон Воҳидов, Гулнора Курбонова, Расима Самигулина каби ҳарбий шифокорлари аскарларимиз саломатлигини муҳофаза этишда гайрат кўрсатишмоқда.

Халқимиз осойишталиги, юртимиз тинчлиги йиғиллик бурчини ўтаётган аскарларимизга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шундай экан, бахтимизга улар ҳамisha соғ-саломат бўлишсин.

СУРАТЛАРДА: 1. (Чандан) тиббиёт фанлари номзоди, тиббий хизмат катта лейтенанти Гулнора Курбонова, тиб-бий хизмат катта лейтенанти Рашид Эргашев ва тиббий хизмат майори Қодиржон Воҳидов бемор аскарни кўриқдан ўтказишмоқда. 2. Ҳамишра Гулчехра Мирзоҳидова. 3. Ўзбекистон ИИВ Ички қўшинлар ҳарбий лазарети.

Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

ЁШ САҢЪАТКОРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Улугбек номидаги Республика истеъ-додли ёшларни қўл-лаб-қувватлаш жам-гармаси қошида та-шқил этилган «Умид» болалар фольклор-ракс ансамбли жа-моаси ўз маҳоратини ошириш, ранг-ба-ранг дастурлар яра-тиш устида тинмай ишланмоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Азимжон Азизов раҳбарлик қилаётган мазкур жамоа ёшларнинг «Ўзбекистон - Ватаним меним» деб номланган янги дастури ре-спубликамиз вилоятлари рақс саънати ихлосмандла-рига гайт манзур бўлган эди.

Кунни кеча Туркиянинг Истанбул шаҳридан хушба-бар келди. Албания, Кипр, Польша, Руминия, Тур-кия, Ўзбекистон ва Қозоғистон ёш саънаткор-лари иштирок этган бирин-чи халқаро болалар фести-валида «Умид» ансамбли фахри биринчи ўринни эгаллади.

(ЎЗА).

ГАЗ ЙЎЛИНИНГ ИККИНЧИ НАВБАТИ

Қорақалпоғистоннинг жанубий туманларида Газли-Нукус табиий газ йўлининг иккинчи навба-ти қурилиши жадал суръатларда олиб боришмоқда.


Уни Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бу-хоро вилоятлари қурилиш ташкилотлари бунёд этиша-пти.

Узуни 212 чакирим бўлган мазкур иншоот шу йилнинг 1 сентябрига қадар фойдаланишга топширила-ди.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ, «Халқ сўзи» мухбири.

Марказий Осиёдаги уяли телефон алоқа лидери,

уяли телефон алоқа компанияси



UZDUNROBITA®

cellular

абонентлари компаниямиз томонидан тақлиф этилган қўшимча хизматлар мажмуининг нечоғлиқ қулайлигини мамнуният билан эътироф этмоқдалар. Ҳозирги пайтда ушбу хизматлар нафақат қулай, балки маблағингизни тежаш учун катта имкониятдир. Сабаби...

1997 йил 1 августдан

ҚЎШИМЧА ХИЗМАТЛАР ТАРИФИ АРЗОНЛАШТИРИЛДИ



Чақирувни кутиш

Конференц-алоқа

Чақирувни қайта адреслаштириш

Илгари

10 \$

10 \$

10 \$

Ҳозир

3 \$ /ойига/

3 \$ /ойига/

8 \$ /ойига/

Баҳолар НДС ҳисоб-китоблари асосида кўрсатилган. Тўловлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган курс бўйича сўмда амалга оширилади.

Тўлиқ маълумотларни Сиз 300909 ҳамда 611 телефон рақамлари орқали «Хизмат-611» ахборот бўлимидан бепул олишингиз мумкин.



БУ ДУНЁДА ҲАР БИР ИНСОН ЯХШИ ВА МУНОСИБ ЯШАШГА ЛОЙИҚДИР!

UZDUNROBITA cellular® "Ўздунробита" ўзбек-америка қўшма корхонасининг рўйхатдан ўтган савдо маркасига эга.

MD708© AS1-0797©

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

Улкан олим ва адиб Бўрибой Аҳмедовнинг мустақиллик даврининг тарихий ва адабий тафаккурида йирик ҳодиса бўлган «Амир Темур» номли китоби Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотиغا қўйилиши, ўйлай-мизки, кенг жамоатчиликнинг кўнглидагидай иш бўлди.

Бўрибой Аҳмедов ҳозирги замон ўзбек тарих фанининг устозларидан бўлиш билан бир қаторда адабиётимиз ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келган. Аввало, бу олим адабиётимизнинг улкан бир дўсти. Эслийлик: Пиримқул Қодиоров миллий тарихимизнинг эркин сиймоларидан Бобур ва Бобурийзодалар тўғрисида аjoyиб романлар яратди. Бу асарлар бутун халқимизнинг сезимли китобларидан бўлиб, улар кўпгина хорижий тилларга ҳам таржима қилинган. Лекин уларнинг ёруғлик юзини кўриши осон бўлмаган эди. Ана шундай кунларда тарихимиз билимдони Б. Аҳмедов ўзининг ички таърифи билан у асарларнинг юзага чиқишига маддадор бўлди. Ёки бир вақтлар «миллатчи», «халқ душмани»га айбон бўлиб, ўлимга ҳукм қилинган машҳур шоир ва адиб Ҷўпоннинг номи, асарларининг тарихий ва адабий қадриятини қайта тиклашга ҳам адабиётшуносларимизга Бўрибой Аҳмедов фаол камар-баста бўлиб, Ҷўпон қисмати ва ижоди тўғрисида бир неча аjoyиб мақолалар билан матбуотга чиқди. Улар маънавий ҳаётимизда муносиб роль ўйнади.

Айни пайтда Бўрибой Аҳмедов кўп йиллардан бундан адабий ижод майдонига заҳматқошлик қилиб келмоқда. Унинг «Улуғбек» тарихий-адабий асари — ёшларимизнинг сезимли китоби. Б. Аҳмедов, умуман, тарихий тафаккурни адабий тафаккурга уйғунлаштиришга мойил қалам соҳибидир. «Мулоқот» журналида олимнинг «Амир Темур мактублари» номли туркум мақолалари эълон қилинди. Антика ҳол! Тарих илмининг филология табиатига сира тўғри келмайдиган бир йўлдан бориб, Б. Аҳмедов бу мактубларда Соҳибқироннинг руҳига мурожаат қилади, инсониятнинг Амир Темурга олти аср мобайлидаги мураккаб, ҳар хил товланувчи муносабати тарихини у билан суҳбат йўсинида очди. Мактублар — ҳам чуқур маърифий, ҳам жонли ҳукорлар қимматига эга.

Нихонг, тарих илми ва адабий ижод йўлининг яна бир кескишига қорраҳасида Б. Аҳмедовнинг фундаментал асари — «Амир Темур» китоби дунёга келди. Ҳозирги тарих

шда ана шу миллий-тарихий соломаларнинг хизмати катта. Муаллиф уларга ҳар тарафлама сўнади. Шу билан бирга, яна бошқа кўпгина манбаларни ҳам кўриб чиққан. Масалан, инглиз тилидаги таърихчиларнинг синчковлик билан илмий-танқидий назардан ўтказган. «Амир Темур» китоби ниҳоятда бой тарихий материалларга, асосларга таянганлиги унинг ҳар бир сатрида, қаломиди аён бўлиб туради. Шу сабабларга қўра, бу тарихий-адабий таърих илми доирасида халқ ўртасида қатъи-эътибор қозонди.

Ушба эски соломаларнинг яна бир таърифи хусусида бу китобга яққол қўзғаш ташланади. Гап шундаки, ўтмиш муаррихлари

ўтмиш мақсадга мувофиқ, деб билдим.



Азиз ҚАЙУМОВ: — Бўрибой Аҳмедов Шарқ қўлама манбаларининг муҳим билимдонларидан биридир. Машҳур муаррихлар Шарофиддин Али Язидий, Мирхонд, Хондамир ва бошқа олимларнинг форс тилида битилган тарихий китобларини бу муҳтарам олим жуда чуқур ўрганган ва таҳлил этган. Бўрибой Аҳмедов қаламига мансуб «Амир Темур» асари ана шундай муътабар манбалардан зукколик билан йиғилган маълумотларга асосланган. Ушба ҳам олимлик, ҳам адиблик қобилиятини муҳассам этган бу талантили ва меҳнатсевар элнинг хизматлари, албатта, таҳсин ва тақдирга сазовордир.

Иззат СУЛТОН: — Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» асари мазмуни билан танишар эканмиз, кўз ўнгимизда ҳазрат Соҳибқиронга бағишланган олдий тарихий роман эмас, балки бирламчи ёзма манбалар асосида тарихий ҳақиқатни хронологик кетма-кетликда, баъдий ифодада баён этган сонома таваллади.

Пиримқул ҚОДИРОВ: — Бўрибой Аҳмедовнинг ўзлари билан бир телесуҳбатда уни улкан шарқшунос В. Бартольд билан қиёсланган эдим. Аслини айтганда, халқимиз маънавиятида Б. Аҳмедовнинг хизматлари В. Бартольдникидан самаралироқ ва улғурқидир. Сабаби — Бартольд ўзининг тарихимизга оид ишларида ақдоқларимизни «сарт» «тузем» «чингайой» иборалари билан талқин этгани, лекин асло туркий халқ, демайди. Рус олими бутун дунё ҳаётига кучли таъсир кўрсатиб келган буюк туркий элани кўриб-кўрмасликка олади. Бартольднинг илмий позицияси чор ҳукумати сийсатининг мазмуни билан суғрилган эди. «Сарт», «чингайой» дейиш билан у маҳаллий халқни саҳрий, аниқ тарихи, худудий ўрни йўқ қавм, деб талқин этарди. «Тузем» дейиш билан эса бизни ибтидий, маданиятсиз, Австралия аборигенлари савиясидати бир тўла, деб билди. Б. Аҳмедов эса ўзининг тарихий таърихчиларда Туронзамин ва ундаги олим ва аъёнларни ниҳоятда бой ва улкан маданияти бор буюк бир миллат сифатида кўрсата олди. Унинг «Амир Темур» китоби шу жиҳатдан ҳам алоҳида аҳамият касб этди.

Бўрибой Аҳмедовнинг илм-фан, адабиёт олимидати катта хизматлари тўғрисида бу фикрлардан ўтказиб бирон нима дейиш, кўп мушкул иш. М. САФАРОВ.

МУСИҚА ФЕСТИВАЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН



Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро musiқа фестивалига тайёргарлик тобора қизимоқда. Айни кунларда шаҳарда байрам...

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро musiқа фестивалига тайёргарлик тобора қизимоқда. Айни кунларда байрам...

бунёдкорлик ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу кунгача майдонда 5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари баъжарилди. СУРАТЛАРДА: байрам тантаналари ўтказиладиган майдонларда қурилиш ишлари қизғин.

ми тантаналари ўтказиладиган асосий майдонларда қурилиш ишлари жа...

дал давом этапти. Шаҳардаги Театр майдони musiқа байрами кун...

лари энг гавжум масканлардан бирига айланади. Шунинг учун бу ердаги...

СПОРТ

ИНДОНЕЗИЯ ПРЕЗИДЕНТИ КУБОГИ — ЎЗБЕКИСТОН БОКСЧИЛАРИДА

«Индонезия Президенти кубоги» учун бокс бўйича аънанавий XVIII халқаро мусобақа ниҳоясига етди. Унда 20 мамлакатдан 23 та терма команда, жумладан, мусобақа мезбонларининг уч командаси иштирок этди.

Бу мусобақа шу йил 25 августдан 2 сентябргача Малайзияда ўтадиган жаҳон чемпионати олдида боксчиларимизнинг маҳоратига синов бўлди, — деди республика бокс федерациясининг вице-президенти Владимир Шин. — Командамизнинг етти аъзоси бундай нуфузли халқаро мусобақада илк бор қатнашаётганига қарамай, имтиздондан муваффақиятли ўтди. Уч спортчи — Темур Иброҳимов, Темур Сулаймонов ва Тўлқин

Тўрғунов мусобақа чемпиони бўлиб, жаҳон чемпионатида иштирок этадиган Ўзбекистон терма командаси аъзоси бўлиш ҳуқуқини қўлга кўришти. Афсуски, Ян Куков ўз имкониятини тўла намоён қила олмади ва кумуш соврин билан чекланди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон командаси Индонезия Президенти кубогини қўлга киритди. Танландиклар иккинчи, Янги Зеландия командаси учинчи ўринни эгаллади.

Advertisement for 'Uzbekistan Republic Savings Bank' (Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жамоаси бўлим бошлиғи Жаппар Умирбековга рафикаси) and 'Uzbekistan Republic Savings Bank' (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодий институт жамоаси илмий ходим Х. Аҳмедовга отаси Хасанов Суфий ХАСАНОВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таззия изҳор қилади).

Advertisement for 'ASAKA BANK' (АСАКА-БАНК) featuring the headline 'КАТТА ВА КИЧИКНИ АЖРАТУВЧИ-БИР ҚАДАМ' and '«Асака банк» ҳамда Оврупо Ривожланиш ва тараққиёт банки ЎЗБЕКИСТОН КИЧИК ВА ЎРТА ТАДБИРКОРЛИКНИ КРЕДИТЛАШ дастурини тақдим этади КРЕДИТЛАШНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ'.

Advertisement for 'KIMOSHI' («КИМОШДИ») featuring the headline '«КИМОШДИ» савдосига таклиф этади' and 'Мазкур танга соф олтиндан тайёрланган бўлиб, 999,9 нумунага эга. Оғирлиги 31,1 граммни ташкил этади.'

Advertisement for 'Халқ сўзи' (Халқ сўзи) newspaper, featuring the headline 'НАРОДНОЕ СЛОВО' and contact information for the editorial board.

Advertisement for 'МУАССИСЛАР' (МУАССИСЛАР) featuring the headline 'Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси' and contact information for the press service.

Advertisement for 'MANZILIMIZ' (МАНЗИЛИМИЗ) featuring the headline 'МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.' and contact information for the printing house.